

**ШАХС МАЪНАВИЙ ЭХТИЁЖЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ТАВСИФИ****Сулётбаева Элла***амалиётчи психолог***Есбергенова Зухра Турдимуратовна***Амалиётчи психолог, Қанликул тумани*

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида фан-техниканинг ривожланиши инсон фаолиятининг барча турларида ўзига яраша мураккабликларни келтириб чиқаряпти. Шундай экан шахснинг маънавий эҳтиёжларни илмий таҳлил қилиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Маълумки, эҳтиёжлар мазмуни, уларнинг сифат ва миқдорий характеристикалари фаолият асосида, детерминация қилинади, шунинг учун эҳтиёжларни таснифлашнинг асосий йўналишларидан бири фаолиятнинг асосий турларига кўра таснифлашдан иборат – моддий-ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий, маънавий– меҳнатга бўлган эҳтиёж, ижтимоий-сиёсий фаолият эҳтиёжи, маънавий эҳтиёжларнинг турли шакллари: ахлоқий, эстетик, бадий ва ҳоказо каби эҳтиёжлар ажратиб кўрсатилади. Бироқ бу эҳтиёжларнинг турли-туманлиги фақат уларни белгилайдиган фаолият турлари билан чекланиб қолади. Бир эҳтиёжнинг ўзи масалан, ахлоқий ёки эстетик эҳтиёжлар турли фаолият– меҳнат, ижтимоий-ўзгартирувчи, мулоқот соҳасидаги турлари билан қондирилиши мумкин. Шу билан бирга, фаолиятнинг биргина тури масалан, меҳнат фаолияти бир эмас, бир неча эҳтиёжларни қондириши мумкин.

Ижтимоий муносабатларнинг асосий турларига кўра, биз шахс эҳтиёжларининг уч гуруҳга яъни моддий ва маънавий, ҳамда моддий-маънавий гуруҳини ажратиш мумкин. Албатта, эҳтиёжларни у ёки бу гуруҳга киритиш маълум даражада шартли ҳисобланади, чунки моддий эҳтиёжларда маънавий мазмуни мавжуд, маънавий эҳтиёжлар эса моддий эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Шу сабабдан, моддий ёки маънавий эҳтиёжлар ҳақида сўз кетганда улар устунлик жиҳатдан худди шунақа (моддий ёки маънавий) эканлигига аниқлик киритиб олиш керак. Масалан, кийимга бўлган эҳтиёж нафақат моддий бўлибгина қолмай, у маълум даражада эстетик, маънавий эҳтиёжларнинг намоён бўлиши ҳам ҳисобланади. Жамият тараққиётининг ўсиб бориши билан бирга ҳирсий “эмоционал” эҳтиёж ҳам ёрқин акс этадиган маънавий мазмун касб этиши мумкин.

Баъзи эҳтиёжларнинг бизни қизиқтираётган аспектдаги (жиҳатдаги) ўрнини статусини аниқлаш осон иш эмас. Улар қаторига, масалан, табиат билан мулоқот қилиш ҳам киради. Шу пайтгача моддий эҳтиёжларга бўлган ёндашувга кўра бундайлар қаторига, асосан, инсон организмининг, унинг жисмоний яшашини борлигини таъминлашга бўлган эҳтиёжлар киритилади. Шу аснода,

Л.П.Буева[1]нинг фикрича моддий эҳтиёжлар тизимини, жумладан табиат билан мулоқот эҳтиёжини кенгроқ тушуниш зарурлигини таъкидлайди. Олиманинг фикрига кўра, инсоннинг моддий эҳтиёжлари тизими жамият моддий ҳаётини қайта ишлаб чиқариш ва ривожланиши жараёнининг турли томонларини акс эттиради.

Ушбу тизим инсоннинг меҳнат жараёнида амалга ошадиган табиат ва жамиятга бўлган муносабатларини ишлаб чиқаришнинг яхлит, ягона усулида қамраб олади” деб таъкидлайди. Шундай экан, таҳлил қилинаётган феномен авваламбор маънавий эҳтиёж- эстетик, ахлоқий ва бошқа эҳтиёжларнинг ўзига хос синтезидир деган фикрга қаратилади. Албатта, ҳар бир жамият ўзига хос табиатга бўлган тор прагматик, фақат истеъмол қилиш муносабатини енгиб ўтиш билан, замонавий жамият табиат билан бирга ўзаро алоқани шакллантиради ва бу алоқаларда инсон субъективлигининг юқори ва нозик томонлари намоён бўлиши” акс эттирилади. Замонавий жамиятнинг тараққиёти давомида биз ўрганаётган эҳтиёж тури, бизнинг фикримизча, асосан моддий эҳтиёжлигича қолса ҳам, янада кўпроқ маънавийлик касб этади.

Н.П.Аникиев[2]нинг фикрича, фақат сайр қилиш, туризм пайтидаги табиат билан мулоқот, балки меҳнат қилаётган пайтда, жамоа шаклида унинг эстетик ўзгариши, жумладан, табиат билан мулоқот ҳам умумий эҳтиёжга айланади деган фикрга қўшилмасдан бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, бу ерда моддий ва маънавий эҳтиёжларининг диалектикаси аниқ намоён бўлади. Замонавий шахс моддий эҳтиёжларининг шаклланиш жараёнида моддий жиҳат маънавийлашади, ғоявий мазмун билан тўлдирилади. Ўз навбатида, маънавийлик моддийлашади, объективлашади деб қараш мумкин.

Маънавий жиҳатнинг моддийлашувида, шахснинг “маънавий интилишларининг”, “ғоявий қизиқишларининг” объективлашувида, идеаллик ва воқеликнинг “бир-бирига қўллаб бўлмасликни” енгиб ўтишда, авваламбор, амалиёт етакчи роль ўйнайди, ва амалиётнинг асосий тури сифатида ишлаб чиқарувчи меҳнат дастлабки ўринда туради. Замонавий шазс эҳтиёжларининг шаклланиш жараёнида меҳнат, ва амалиётнинг ҳар қанақа бошқа асосий тури – ижтимоий-сиёсат фаолияти, ушбу жараённинг ҳам мақсади ва ҳам моддий асоси ҳисобланади. Бироқ, бу келажак жамиятида инсон фаолияти шахс эҳтиёжларидан мустақил, холи бўлади дегани эмас. Бунда меҳнатга бўлган эҳтиёж мустаснодир. Зеро, меҳнатга бўлган эҳтиёжнинг улкан аҳамияти борлиги билан бир қаторда, инсон хулқ-атворини белгиловчи детерминант бошқа эҳтиёжларнинг маънавий, эстетик ва бошқалар аҳамиятига паст баҳо бермаслик керак.

Меҳнатни замонавий шахснинг “етакчи эҳтиёжи” деб тушуниш уларнинг тизимида моддий эҳтиёжларнинг ўрнини белгилаш имконини беради. Моддий эҳтиёжларни қондириш билан инсон даставвал моддий ва маънавий бойликлар истеъмолчиси сифатида амал қилади. Меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондириш

жараёнида эса инсон уларнинг яратувчиси, яъни “ўзида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган нарса ва хизматлар доирасидан ташқарига чиқадиган қобилиятлар ва эҳтиёжларни ривожлантиради”[2]. Ажратиб кўрсатилган асосга кўра, эҳтиёжларнинг биз таклиф қилган таснифи тўла бўлмасада, шахснинг кўплаб эҳтиёжларини қамраб олишга имкон берибгина қолмай, балки уларни тизимга солиш имконини ҳам беради деб ўйлаймиз.

Юқорида келтирилган эҳтиёжлар гуруҳларининг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлари бор ва замонавий шахсни шакллантиришда уларни ҳисобга олиш лозим. Масалан, моддий эҳтиёжларнинг маънавий эҳтиёжлардан муҳим бир фарқи аллақачон уларнинг номидаёқ мужассамланган бўлиб, унда моддий эҳтиёжлар умуман олганда истеъмол (сарф бўлиш, утилитар) табиатига эга. Ўзининг моддий эҳтиёжлар типига кўра– овқатга, кийимга, пойафзалга бўлган эҳтиёжларини амалга ошириш билан инсон ўзининг ушбу эҳтиёжларини қондирувчи предметларни ўзлаштириб, ўзиники қилиб олади ва уларга эга бўлишдан уларни тасарруф этишдан тўғридан тўғри амалий фойда олади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Буева Л.П. Человек, деятельности и общения.-М.: Вопрос философии:-№5 1978. -С.138
2. Аникиев Н.П. Жамоада руҳий муҳит. -.-Ўқитувчи, 1993-252 б.